


Н.Х. Бобонов,  
катта ўқитувчи, ТДИУ

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУДУДИЙ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг мавжуд барқарор механизми жамиятнинг муҳтож аъзолари, айниқса, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кекса-қариялар, ногиронлар, ишсизлар ва шунга ўхшаш ёрдамга эҳтиёжманд аҳоли қатламига ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан изоҳланади. Кўриниб турибдики, мамлакатдаги ижтимоий ислохотлар асосини ташкил қилувчи аҳолининг муайян қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимига ўтилиши иқтисодий тараққиётнинг стратегик мақсадларига мувофиқ ҳисобланади.

Республика Президенти И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатдаги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасига алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни айтиб ўтдилар: “...аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етканини мамнуният билан таъкидласак арзийди, деб ўйлайман”<sup>1</sup>.

Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида жами аҳоли сони йил сайин ортиб бормоқда (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида аҳоли сони динамикаси (минг киши ҳисобида).**

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Халқ сўзи. 2010, 13 ноябрь №220 (5135).

Расмдан кўриниб турганидек, 2006-2010 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида жами аҳоли сони 26663,8 минг кишидан 28453,7 минг кишига ёки 6,7 фоизга, Самарқанд вилоятида эса мос равишда 2912,0 минг кишидан 3140,2 минг кишига, яъни 7,8 фоизга кўпайган. Таҳлил қилинаётган даврда республикада аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 1,34, Самарқанд вилоятида эса 1,56 фоизни ташкил этган. Кўриниб турибдики, сўнгги беш йил давомида Самарқанд вилоятида аҳолининг ўсиш суръати республика ўртача кўрсаткичидан юқори бўлган.

Айтиш жоизки, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам аҳоли сони ортиб бормоқда (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Самарқанд вилояти ва унинг ҳудудларида аҳоли сони динамикаси (минг киши ҳисобида)\*

Шаҳар ва туманлар номи	Й и л л а р					2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши	
	2006	2007	2008	2009	2010	+, -	%
Самарқанд ш.	378,6	390,3	396,4	397,9	401,2	22,6	105,9
Каттақўрғон ш.	73,6	75,9	76,9	77,3	78,4	4,8	106,5
<i>туманлар:</i>							
Оқдарё	112,2	115,7	118,8	121,6	122,1	9,9	108,8
Булунғур	138,9	143,2	146,9	149,0	151,1	12,2	108,7
Жомбой	126,0	129,9	133,0	134,5	136,2	10,2	108,0
Иштихон	181,1	186,7	191,3	193,7	196,4	15,3	108,4
Каттақўрғон	204,8	211,1	215,8	218,7	221,5	16,7	108,1
Қўшработ	96,1	99,1	101,6	103,2	104,3	8,2	108,5
Нарпай	159,4	164,3	167,9	169,4	171,2	11,8	107,4
Пойариқ	190,4	196,3	200,4	202,4	204,3	13,9	107,3
Пахтачи	115,3	118,9	120,7	121,5	122,4	7,1	106,1
Пастдарғом	259,0	267,0	273,1	276,6	279,8	20,8	108,0
Самарқанд	266,1	274,3	279,4	281,7	285,1	19,0	107,1
Нуробод	108,0	111,3	114,7	116,1	117,9	9,9	109,1
Ургут	359,0	370,1	381,0	385,3	392,5	33,5	109,3
Тойлоқ	143,6	148,0	151,4	153,6	155,8	12,2	108,5
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>2912,0</b>	<b>3002,1</b>	<b>3069,2</b>	<b>3102,5</b>	<b>3140,2</b>	<b>228,2</b>	<b>107,8</b>

\* Жадвал Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Жадвалдан кўриниб турганидек, 2006-2010 йиллар давомида вилоят бўйича жами аҳоли сони 228,2 минг кишига кўпайган. Таҳлил қилинаётган давр оралиғида аҳоли сонининг кўпайиши вилоятнинг шаҳар ва туманларида бир меъёردа кечмаган. Жумладан, Оқдарё, Булунғур, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Қўшработ, Пастдарғом, Нуробод, Ургут ва Тойлоқ туманларида аҳоли сонининг ўсиши вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори, Самарқанд,


Каттақўрғон шаҳарлари ва Нарпай, Пойарик, Пахтачи, Самарқанд туманларида эса аксинча паст бўлган.

Аҳоли сонининг ўсиб бориши, биринчи навбатда, оилага боғлиқдир. Чунки инсоннинг дунёга келиши, янги авлоднинг пайдо бўлиши – авлодлар алмашинуви асосан оилада содир бўлади. Статистик маълумотлар Самарқанд вилоятида яшовчи оилалар сонининг ортиб бораётганлигини кўрсатади. Яъни, 2006 йилда вилоят бўйича оилалар сони 716,6 мингтани ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу миқдор 753,2 мингтага етган ёки 5,1 фоизга кўпайган. Шунга боғлиқ ҳолда битта оилага тўғри келувчи фарзандлар сони 4,0 нафардан 4,1 нафарга ошган.

Маълумки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ёрдамга мухтожларга, хусусан кўп болали, кам таъминланган оилаларга йўналтирилган. Самарқанд вилоятида вояга етмаган болалар бўлган оилалар 84,9 фоизни ташкил қилади. Статистик маълумотларга қараганда, вилоятда сўнгги беш йил давомида вояга етмаган болалари бўлган оилалар сони 609,1 минг нафардан 639,4 минг нафарга ёки 4,9 фоизга ортган. Кўрилатаётган даврда бу тенденция вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бир меъёрда кечмаган. Жумладан, Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарлари ва Нуробод туманида вояга етмаган болалари бўлган оилалар сони камайган, қолган барча туманларда эса ортган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 437-сонли қарорига асосан вояга етмаган оилаларга нафақа тайинланади ва тўланади. 2010 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда вояга етмаган болалари бўлган оилалардан нафақа тайинланганлар 1266,8 мингтани, Самарқанд вилоятида эса 129,7 мингтани ташкил этган. Яъни, нафақа тайинланган оилаларнинг 10,2 фоизи Самарқанд вилоятига тўғри келган.

Самарқанд вилоятида вояга етмаган фарзандлари бор оилалардан нафақа тайинланган оилалар улуши республика ўртача кўрсаткичидан паст (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида вояга етмаган болалари бор оилалардан нафақа олувчилар улуши, %да.**

2-жадвал

Самарқанд вилоятида 16, 18 ёшгача болали оилалар нафақасини сўраб мурожаат қилган ва нафақа тайинланган оилалар сони динамикаси

Шаҳар ва туманлар номи	Нафақа сўраб мурожаат қилган оилалар сони, бирлик			Нафақа тайинланган оилалар сони, бирлик			Мурожаат қилганларга нисбатан нафақа тайинланган оилалар улуши, %		
	2006 й	2008 й	2010 й	2006 й	2008 й	2010 й	2006 й	2008 й	2010 й
Самарқанд ш.	3393	4483	2224	3091	4276	2224	91,1	95,3	100,0
Каттакўрғон ш.	7224	6772	5764	7202	6758	5733	96,7	99,8	99,4
Туманлар:									
Оқдарё	8783	7557	6589	8204	7159	5856	93,4	94,7	88,8
Булунғур	9837	9704	4170	9829	9704	4170	99,9	100,0	100,0
Жомбой	6177	6260	5109	6113	6208	5073	98,9	99,1	99,3
Иштихон	15470	15163	12313	15422	15120	12232	99,6	99,7	99,3
Каттакўрғон	16136	14794	3630	16090	14620	3567	99,7	98,8	97,4
Қўшработ	11819	12019	8811	11691	11927	8686	98,9	99,2	98,5
Нарпай	11243	12202	8199	11007	11967	8035	97,9	98,0	97,9
Пойариқ	16068	16505	14573	15918	16389	14455	99,0	99,3	99,2
Пастдарғом	24458	24409	19816	24445	24388	19798	99,9	99,9	99,9
Пахтачи	5428	5854	3211	5215	5467	2902	96,0	93,4	90,3
Самарқанд	8896	9207	7098	8771	8953	6994	98,6	97,2	98,5
Нуробод	12516	13118	9840	12297	13051	9803	98,2	99,4	99,6
Ургут	18962	18061	11441	18850	17948	11267	99,4	99,3	98,4
Тойлоқ	12184	12392	8978	11980	12241	8919	98,3	98,7	99,3
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>188594</b>	<b>188500</b>	<b>131766</b>	<b>186127</b>	<b>186176</b>	<b>129714</b>	<b>98,7</b>	<b>98,7</b>	<b>98,4</b>

\* Жадвал муаллиф томонидан Самарқанд вилояти Молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Расмда келтирилган статистик маълумотларнинг таҳлилига кўра, 2006-2010 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида ҳам вояга етмаган фарзандлари бўлган оилалардан нафақа тайинланган оилалар улуши камайган. Бироқ Самарқанд вилоятида республика ўртача кўрсаткичидан нисбатан нафақа олувчилар улушининг камлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолат вилоятнинг шаҳар ва туманларида бир меъёрда кечмаган (2-жадвал).

Жадвал маълумотларининг таҳлили 2006-2010 йиллар мобайнида вилоят бўйича вояга етмаган болалари бўлган оилалардан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига нафақа сўраб мурожаат қилган оилалар сони 188,5 минг нафардан 131,7 минг нафарга ёки 30,2 фоизга, нафақа тайинланган оилалар сони 186,1 минг нафардан 129,7 минг нафарга, яъни 30 фоизга камайганлигини кўрсатади. Бундай камайиш тенденцияси вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам кузатилган.

Кўрилатган давр мобайнида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига мурожаат қилган оилаларга нисбатан нафақа тайинланган вояга етмаган болалари бўлган оилалар улуши 98,7 фоиздан 98,4 фоизга ёки 0,3 пунктга камайган. Бу тенденция вилоят ҳудудлари кесимида бир меъёрда кечмаган. Хусусан, 2010 йилга келиб Самарқанд шаҳри ва Булунғур туманида мурожаат қилган оилаларнинг барчасига нафақа тайинланган. Шу билан бирга, 2010 йилда 2006 йилга нисбатан мурожаат қилган оилаларга нисбатан нафақа тайинланган оилалар улуши Каттакўрғон шаҳри, Жомбой, Пойарик, Нуробод, Тойлоқ туманларида ортган, Оқдарё, Иштихон, Каттакўрғон, Кўшработ, Пахтачи, Самарқанд, Ургут туманларида камайган, Нарпай ва Пастдарғом туманларида эса бир меъёрда бўлган ҳамда мос равишда 97,9:97,9 ва 99,9:99,9 фоизларни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат муҳофазасидадир. Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-иқромга ҳамда ҳурматга сазовордир. Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлигини сақлашга доир махсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади”<sup>2</sup>, – деб таъкидланган. Бу эса мамлакатда она ва бола муҳофазасига катта эътибор берилганлигидан далолат беради.


Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 33-сонли қарорига асосан ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича нафақа тайинланади ва тўланади.

Самарқанд вилоятида 2 ёшгача болалари бўлган оилалар сони 2006 йилда 132,4, 2010 йилда эса 158,7 минг тани ташкил этган ёки 19,8 фоизга кўпайган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Т.: Адолат, 2007, – 6 б.

Статистик маълумотларга қараганда, 2006 йили республикада мазкур нафақа тури тайинланган оналар сони 750,9 мингтани, 2010 йилда эса 486,2 мингтани ташкил қилган ёки ўтган 5 йил давомида 35,3 фоизга камайган. Бу даврда Самарқанд вилоятида нафақа тайинланган оналар сони мос равишда 67,4 ва 54,8 мингтага тенг бўлган, яъни 18,7 фоизга камайган. Нафақа тайинланган оналар улушининг камайиши республикада ва Самарқанд вилоятида туғилишлар сонининг камайиши билан изоҳланади.

Самарқанд вилоятида 2 ёшгача бўлган болали оналардан нафақа олувчилар улуши республика ўртача кўрсаткичидан юқори (3-расм).



**3-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида 2 ёшгача ишламайдиган болали оналардан нафақа олувчилар улуши, %да.**

Расмдан кўришиб турибдики, 2006 йили Ўзбекистон Республикасида 2 ёшгача фарзандлари бўлган ишламайдиган оналардан нафақа тайинланганлар улуши вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган йилларда эса паст бўлган. Яъни, 2006 йил республикада бу кўрсаткич – 61,3, самарқанд вилоятида – 50,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда мос равишда 33:34,5 фоизларга тенг бўлган.

Таҳлил қилинаётган даврда Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туманларида ишламайдиган оналарга 2 ёшгача болани парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлашда ўзига хос тенденциялар кузатилади (3-жадвал).

3-жадвалдан кўришиб турганидек, 2006-2010 йиллар давомида Самарқанд вилоятида 2 ёшгача болани парвариш қилиш бўйича маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига нафақа сўраб мурожаат қилган оилалар сони 13 минг 132 нафарга ёки 19 фоизга, нафақа тайинланган оилалар сони 12 минг 619 нафарга, яъни 18,7 фоизга камайган. Бундай тенденция вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида кузатилган. Бироқ таҳлил қилинаётган даврда Тойлоқ туманида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига нафақа сўраб мурожаат қилган оилалар сонининг – 29,7, нафақа тайинланган оилалар сонининг эса 26,8 фоизга ортганлигини кўришимиз мумкин.



3-жадвал


Самарқанд вилоятида 2 ёшгача болани парваришlash нафақасини сўраб мурожаат қилган ва нафақа тайинланган оилалар сони динамикаси

Шаҳар ва туманлар номи	Нафақа сўраб мурожаат қилган оилалар сони, бирлик			Нафақа тайинланган оилалар сони, бирлик			Мурожаат қилганларга нисбатан нафақа тайинланган оилалар улуши, %		
	2006 й	2008 й	2010 й	2006 й	2008 й	2010 й	2006 й	2008 й	2010 й
Самарқанд ш.	3311	5326	2848	2922	4912	2832	88,2	99,2	99,4
Каттақўрғон ш.	2250	2551	2248	2242	2541	2236	99,6	99,6	99,4
Туманлар:									
Оқдарё	3256	2400	2327	2900	2009	1994	89,0	83,7	85,6
Булунғур	3343	3575	2814	3343	3575	2814	100,0	100,0	100,0
Жомбой	3251	3772	3070	3226	3743	3060	99,2	99,2	99,6
Иштихон	5699	6117	5071	5668	6072	5024	99,4	99,2	99,0
Каттақўрғон	6606	6348	1926	6296	5820	1869	95,3	91,6	97,0
Қўшработ	3558	3694	2915	3512	3658	2861	98,7	99,0	98,1
Нарпай	2984	3921	2422	2843	3770	2398	95,2	96,1	99,0
Пойариқ	5692	6694	5280	5587	6588	5228	98,1	98,4	99,0
Пастдарғом	8426	8690	7816	8423	8682	7802	99,9	99,9	99,8
Пахтачи	4128	3699	2780	4074	3443	2302	98,7	93,0	82,8
Самарқанд	4508	5074	3930	4272	4814	3871	94,7	94,8	98,5
Нуробод	3813	4193	3666	3812	4189	3661	99,9	99,9	99,8
Ургут	7218	7074	5449	7176	7022	5417	99,4	99,2	99,4
Тойлоқ	1173	2864	1522	1173	2864	1488	100,0	100,0	97,7
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>69216</b>	<b>75992</b>	<b>56084</b>	<b>67476</b>	<b>73702</b>	<b>54857</b>	<b>97,4</b>	<b>96,9</b>	<b>97,8</b>

\* Жадвал муаллиф томонидан Самарқанд вилояти Молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ялпи даромаднинг энг кам миқдори, фуқаролар йиғини қарори асосида, одатда қонунчилик билан ўрнатилган энг кам иш ҳақининг баробарига қарра миқдорида, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан ўрнатилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 434-сонли қарорига асосан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланади ва тўланади. Статистик маълумотларга қараганда, 2010 йил республика бўйича 165,4 мингта кам таъминланган оиллага моддий ёрдам кўрсатилган. Бу кўрсаткич 2006 йилга нисбатан 25,2 фоизга кам, демакдир. Бундай тенденция Самарқанд вилоятида ҳам кузатилган бўлиб, 2006-2010 йилларда моддий ёрдам кўрсатилган оилалар сони 4,0 фоизга камайган (4-расм).



**4-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида жами оилаларга нисбатан моддий ёрдам олган оилалар улуши, %да.**

Таҳлиллар кўрсатишича, 2006 йилда моддий ёрдам кўрсатилган оилалар улуши республика ўртача кўрсаткичига нисбатан Самарқанд вилоятида юқори, қолган йилларда эса паст бўлган. Яъни, мос равишда 3,1:2,9 ва 2,4:2,0 фоизларни ташкил этган.

Самарқанд вилоятида моддий ёрдам тайинланган оилалар улуши, унинг шаҳар ва туманлари кесимида бир меъёردа бўлмаган (4-жадвал).

Жадвал маълумотларининг таҳлили 2006-2010 йиллар давомида Самарқанд вилояти бўйича маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган оилалар сонининг – 40, моддий ёрдам тайинланган оилалар сонининг эса 42,6 фоизга камайганлигини кўрсатади. Бу кўрсаткичларни ҳудудлар бўйича таҳлил қилиш фақат Нарпай туманида моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган оилалар сонининг 0,9 фоизга ортганлиги, бошқа барча шаҳар ва туманларда камайганлигини аниқлаш имконини берди.



**Самарқанд вилоятида моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган ва моддий ёрдам тайинланган оилалар сони динамикаси**

Шаҳар ва туманлар номи	Моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган оилалар сони, бирлик			Моддий ёрдам тайинланган оилалар сони, бирлик			Мурожаат қилганларга нисбатан моддий ёрдам тайинланган оилалар улуши, %да		
	2006 й.	2008 й.	2010 й.	2006 й.	2008 й.	2010 й.	2006 й.	2008 й.	2010 й.
Самарқанд ш.	1304	1217	418	1132	1140	418	86,8	93,7	100,0
Каттакўрғон ш.	1022	1123	946	1020	1121	937	99,8	99,8	99,0
Туманлар:									
Оқдарё	2236	618	853	2051	476	736	91,7	77,0	86,2
Булунғур	968	786	498	856	786	498	88,4	100,0	100,0
Жомбой	753	691	549	750	689	546	99,6	99,7	99,4
Иштихон	2294	1893	2048	2291	1887	2035	99,8	99,6	99,3
Каттакўрғон	2835	1214	494	2815	1175	471	99,3	96,8	95,3
Қўшработ	2889	2267	1855	2833	2229	1797	98,0	98,3	96,8
Нарпай	1604	1780	1619	1534	1687	1525	95,6	94,8	94,2
Пойариқ	2046	1498	1314	2017	1479	1286	98,6	98,7	97,8
Пастдарғом	3013	2127	1675	3010	2121	1672	99,9	99,7	99,8
Пахтачи	1884	2006	1460	1862	1861	1198	99,8	92,7	82,0
Самарқанд	1104	830	566	1092	815	557	98,9	98,2	98,4
Нуробод	2404	2483	1262	2254	2402	1226	93,7	96,7	97,1
Ургут	1225	933	395	1214	916	395	99,1	98,2	100,0
Тойлоқ	620	451	399	620	451	399	100,0	100,0	100,0
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>28201</b>	<b>21917</b>	<b>16351</b>	<b>27351</b>	<b>21238</b>	<b>15696</b>	<b>97,0</b>	<b>96,9</b>	<b>96,0</b>

\* Жадвал муаллиф томонидан Самарқанд вилояти Молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Бундан ташқари, вилоят бўйича мурожаат қилганларга нисбатан моддий ёрдам тайинланган оилалар улуши 1,0 пунктга ортган. Худудлар миқёсида Тойлоқ туманида мунтазам тўлиқ, Булунғур туманида 2008 йилдан, Самарқанд шаҳри ва Ургут туманида 2010 йилга келиб тўлиқ тайинланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бироқ вилоятнинг қолган барча худудларида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган оилаларга нисбатан моддий ёрдам тайинланган оилалар улуши камайган.

Шундай қилиб, олиб борилган таҳлиллар Самарқанд вилоятида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилаётганлигини, бироқ ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларнинг барчасига нафақа тайинланмаганлигини кўрсатди.

Шундан келиб чиқиб, вилоятда кам таъминланган аҳоли қатламини ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзиллигини янада кучайтириш учун қуйидаги чоратadbирларни амалга ошириш тавсия этилади:

- амалдаги нафақа ва имтиёзлар тизимини тартиблаштириш; манзилли тавсифга эга бўлмаган имтиёзларни қисқартириш;

- нодавлат сектордан ва тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар ва деҳқон хўжалиқларини юритишдан олинаётган даромад меъёрларини аниқлаш йўли билан муҳтож оилаларни аниқлаш услубиятини такомиллаштириш;

- ижтимоий ҳимоя соҳасига харажатларнинг алоҳида моддалари бўйича маблағларни қайта тақсимлашда муҳтожларга кўшимча ёрдам кўрсатиш бўйича маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини кенгайтириш;

- худудда кам таъминланган оилаларга нафақа тўлашни ташкил этиш билан шуғулланадиган, ўзини-ўзи бошқариш органларига мутахассисларни тайёрлаш даражасини ошириш;

- кам таъминланган оилаларни кўпроқ қамраб олиш ва ижтимоий тўловлар миқдорини ошириш мақсадида бюджетдан ташқари манбалар, яъни кўнгилли ташкилотлар ва ҳомийлар маблағларини аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни молиялаштиришга жалб этиш;

- алоҳида нафақа ва имтиёзларни камайтириш ҳисобига муҳтож оилаларни манзилли нафақаларни молиялаштириш ҳажмини ошириш;

- худудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий минимал стандартларни ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш.

Юқорида келтирилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни амалиётга татбиқ этиш, биринчидан, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарали амал қилишини таъминлашга, иккинчидан, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини оширишга ёрдам беради.